

ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ЖОҚАРЫ ҲАМ ОРТА АРНАЎЛЫ БИЛИМЛЕНДИРИЎ МИНИСТРЛИГИ
ЭЖИНИЯЗ АТЫНДАҒЫ
НӨКИС МӘМЛЕКЕТЛИК ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ИНСТИТУТЫ



«Тәлим-тәрбияның сапасын асырыўда илимий-инновациялық технологияларды әмелиятқа енгизиў мәселелери» атамасындағы
Халықаралық илимий-теориялық Online конференция

МАТЕРИАЛЛАРЫ

14-15 апрель

«Таълим-тарбиянинг сифатини оширишда илмий-инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзусидаги
Халқаро илмий-назарий Online анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ

14-15 апрель

МАТЕРИАЛЫ

Международной научно-теоретической
Online конференции на тему «Вопросы внедрения в практику
научно-инновационных технологий в повышении качества
обучения и воспитания»

14-15-апрель



НӨКИС-2021

УДК 37.0.372.8
ББК 74.2
Т-16

«Тәлим-тәрбияның сапасын асырыўда илимий-инновациялық технологияларды әмелиятқа енгизиў мәселелери» атамасындағы Халықаралық илимий-теориялық online конференция материаллары топламы. - Нөкис.: 2021 ж. 433 б.

«Тәлим-тәрбияның сапасын асырыўда илимий-инновациялық технологияларды әмелиятқа енгизиў мәселелери» атамасындағы Халықаралық илимий-теориялық online конференция материалларына Өзбекстан Республикасының жоқары хәм орта арнаўлы оқыў орынлары педагог-хызметкерлери, үлкен илимий хызметкер-излениўшилер, магистрантлар, талабалар хәм улыўма орта билим бериў мектеплери баслаўыш класс оқытыўшылары, сондай-ақ педагогика, психология пәнин оқытыўдың актуаль мәселелерине арналған илимий баянатлары киргизилген.

Еслетпе: Электрон топламда берилип атырған материаллардағы мағлыўматлар, плагиат көринислери, мазмунуның хәм ондағы көрсетилген дереклердин дурислығына авторлар өзлери жуўапкер.

Редколлегия қурамы:

1. **Б.П. Отемуратов** - Институт ректоры, редколлегия баслығы
2. **П.Ж. Калханов** - Илимий ислер хәм инновациялар бойынша проректор, редколлегия баслығы орынбасары
3. **Қ.А.Қодиров** - Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты Жаслар менен ислесиў бойынша проректор
4. **У. Сейтжанова** – Баслаўыш тәлим факультети деканы
5. **А.Т.Алламуратов** – Илимий-изертлеўлер, инновациялар хәм илимий педагог кадрларды таярлаў бөлими баслығы, баслық орынбасары

Редколлегия ағзалары:

1. **З.К. Курбаниязова** – Баслаўыш тәлим кафедрасы баслығы, п.и.к., доцент
2. **Г.А. Қаллибекова** – Баслаўыш тәлим кафедрасы доценти, п.и.к
3. **С.С. Тажбенова** - Баслаўыш тәлим кафедрасы доценти, п.и.ф.д (PhD)
4. **Н.М. Нагметова** – Баслаўыш тәлим кафедрасы доценти, п.и.ф.д (PhD)
5. **А.К.Кадрекова** - Баслаўыш тәлим кафедрасы оқытыўшысы, п.и.ф.д (PhD)
6. **Т.А. Байназаров** – Баслаўыш тәлим кафедрасы оқытыўшысы, модератор
7. **Б.К.Хожанов** – Баслаўыш тәлим кафедрасы ассистент оқытыўшысы
8. **З.И.Худайбергенова** – Баслаўыш тәлим кафедрасы ассистент оқытыўшысы
9. **З.Б.Турымбетова** - Баслаўыш тәлим кафедрасы ассистент оқытыўшысы
10. **А.Д.Нажимова** - Баслаўыш тәлим кафедрасы ассистент оқытыўшысы

Жумабекова Ф.Н., Иманбаева З.М. Ұлттық құндылықтарға негізделген «өркендеу» бағдарламасының жаңашылдығы.....	128
Пиримжаров М.Х., Ногаев К.Б., Муханбедиярова Б.Ж. Студенттердің өзіндік жұмысы-модельдеуді басқару процесінің маңызды факторы.....	131
Утебаев Т.Т. Методист-олим Ж.Қайырбаевнинг педагогик қарашлари.....	136
Taylanova Sh.Z. Maktabgacha pedagogik akmeologiyaning hozirgi kundagi rivojlanishi.....	139
Пазылова М.Е. Талабаларнинг ўқув-билув ҳаракатларини фаоллаштиришда аждодларимиз тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари..	140
Пазылова М.Е., Urazaliev R.R. O'quvchilarda iqtidorni rivojlantirishda pedagogic texnologiyalarning ahamiyati.....	142
Өтепбергенов Ж.С. Талабаларды оқытуўда кредит-модул системасы хэм оның ўазыйпалары.....	144
Quchqorova N.M., Otaboyeva I.T. Iqtisodiy tarbiya ijtimoiy zaruriyat.....	146
Ботиров О.Қ. Сиртки таълим йўналишлари ўқув жараёнининг сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларнинг ўрни.....	148
Saydaxmedova N.Y., Isakova M.A., Xolmatov A.A. Dars mashg'ulotini olib borish va uning taxlili haqida muloxazalar.....	150
✓ Боймуродова Г.Т., Тошева Н.Т. Ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолиятларини ташхислашнинг педагогик асослари.....	152
Аляминов Х.И., Қайпназарова Г.К. Замонавий раҳбарларга қўйилган талаблар ва уларнинг компетентликни такомиллаштиришдаги аҳамияти.....	152
Аляминов Х.И., Сабуров У.А. Раҳбар кадрларнинг фаолиятини такомиллаштириш.....	156
Даукеева А.О. Бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентлигининг таркиби, тузилиши.....	158
Давронова Д.С. Оилада ёшларнинг маънавий тарбияси.....	161
Моянов Ы.Ж. Қорақалпоқ халқ мусиқа санъатининг ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири.....	163
Еримова А.Ж. Ақпараттық технологиялардың химия пәнин оқытуда тиімділігі.....	164
Смайлова Г.Ю. Ўзбекистонда янги уйғониш-учинчи ренессанс даврида таълим-тарбияда янги имкониятлар.....	166
Сейтмуратов Қ. Ҳадислерде қайыр-сақаўат мәселелери.....	168
Saparov Sh.B., Mambetnazarova M.T. Óspirimlik dáwirinde psixoprofilaktikalik is-ilajlardi ámelge asiriw.....	170
Jumasheva G.X., Ajimova Z.G. Ertekler arqali balalardín sotcial-sezimtallígin rawajlandiriw.....	171
Allanazarov E.E., Jarilkaǵanova G.M. Máspatsha dástanında frazeologizmlerdiń stillik qollanılıwı.....	174
Yembergenova M.A. Tárbiyada shańaraqtıń tásiiri.....	176
Бекниязов Қ.Ы. Ш.Сейтовтын прозалық шығармаларында қаратпалардың лексика-семантикалық өзгешеликleri.....	177
Есназарова З.Б., Утемисов А.А. Илимий изертлеўде инновацияның роли....	179
Палуанов Б.Н. Автор образын дөретиўде инновациялық умтылыс.....	182

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАШХИСЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Г.Т.Боймуродова - педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, н.ф.д (DSc), доцент
Н.Т.Тошева – Бух ДУ, н.ф.ф.д (PhD) доцент

Бугунги кунда замонавий талаблар асосида малака ошириш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижатида малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик ва моддий-техник таъминоти мустаҳкамланди, Давлат талаблари, ўқув дастурлари такомиллаштирилди, ўқув жараёнига замонавий-педагогик ва ахборот технологиялари тадбиқ қилинмоқда. Шулар билан бир қаторда, ўқитувчилар касбий фаолиятини компетентли ёндашув асосида янада жадаллаштириш зарурати кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиёга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш" вазифаси белгиланиб, бу борада бугунги кунда ўқитувчилар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг механизми муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда илғор хорижий тажрибалар асосида халқ таълими ходимларининг методик эҳтиёжларини тўлақонли қондириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илғор шакл ва усуллари жорий этиш; халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3289-сон "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3931-сонли қарорларида таъкидланган.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, АҚШда "Информатика", "Ахборот технологиялари" ва "Ахборот хавфсизлиги" соҳасида ташкил этилган малака ошириш курслари амал қилади. Бундай курслар Меримаунт Университети (Сомпютер Сесурити анд Информатион Ассурансе (Градуате Сертификате)), Нью Йорк Технологиялар институти (А+ Сертификатион Траининг//МСАС - Мисрософт Оффисе //Нетворк+Сертификатион Траининг), Шаркий Мичиган Университет (Градуате Сертификате ин Сомпютер Информатион Системс) лари ҳузурида иш олиб бормоқда.

Бундан ташқари АҚШда турли институтлар томонидан ташкил этилган ўқув курслари ҳам мавжуд. Жумладан, Рочестер Технологиялар Институти (Рочестер Институте оф Течнологй (РИТ)), Гамильтон коллежи (Ҳамилтон Соллеге, Лос-Анжелес), Виржиния Халқаро Университети (Виргиния Интернационал Университи, Фаирфакс шаҳри).

Маълумки, Германия янги педагогик ёндашувларни яратиш ва амалиётда қўллашда ривожланган мамлакатлар ичида ўзига хос ўринга эга. Германиядаги ўқитувчилар малакасини ошириш тизими Европадаги энг қадимий педагогик тизимлардан бири

ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, мазкур тизим мураккаб, такомиллашган малака ошириш жараёни сифатида намоён бўлмоқда.

Жанубий Кореядаги малака ошириш тизими ўзининг очиқлиги, демократик характерга эгаллиги, шакллари, мазмуни, ўқув жараёнига бўлган ёндашувлари, ўқитувчининг шахсий ташаббусига йўналтирилганлиги, педагогнинг ўз касбий компетентлигини ривожлантиришда мустақил шакл ва усулларни танлаш имкониятига эга. Шу билан бир қаторда педагог ходимлар малакасини ошириш тизимларининг қиёсий тадқиқи ўқитувчилар малакасини оширишнинг узлуқиз базасини яратиш имконини беради.

Шунингдек, технологик ёндашувларнинг имкониятларини қайта баҳолаш; амалий, фундаментал тадқиқотлар натижаларини уйғунлаштириш;

ахборотларнинг шиддатли оқими мавжуд бўлган шароитда инновацион жараёнларнинг мунтазам эмаслиги ва жамият эҳтиёжларининг динамик тарзда ўзгариши, бунинг натижасида таълим тизимида янги ҳуқуқий, меъёрий, педагогик-психологик, дидактик асосларни ишлаб чиқиш зарурдир. Бунда: малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуқиз ривожлантиришнинг педагогик-психологик, дидактик, ташхислаш методлари, касбий билимларни тавсифлаш, ижодий лойиҳаларни амалга ошириш, илғор ва ахборот технологияларни қўллаш ва инновацион фаолиятни барқарорлаштириш параметрлари ҳамда мотивацион, инновацион, инфорацион фактрлари аниқлаш:

ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуқиз ривожлантириш механизмининг касбий тайёргарлик даражаси, замонавий касбий талаблар, касбий ривожланиш майиллари, малака ошириш эҳтиёжлари, малака ошириш мақсадларининг босқичлари аниқланди ва назарий-амалий жиҳатдан асослаш;

ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуқиз ривожлантириш механизми касбий фаолиятни фаоллаштирувчи, мотивация ва креативликни, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқаришни ривожлантирувчи мезонлар такомиллаштириш;

касбий компетентлиликни узлуқиз ривожлантириш механизмининг амалга ошириш воситаси сифатида ўқитувчиларнинг фаолияти ва касбий компетентлиги кўрсаткичлари акс эттирилган “Ўқитувчининг компетентлики китобчаси” яратиш;

малака ошириш тизимини модернизациялаш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуқиз ривожлантириш механизмининг тузилмавий ва мазмунли тизими такомиллаштирилган ва самарадорлик даражаси белгилаб бериш кабилардан иборат.

Узлуқиз малака ошириш тизимини жорий педагогик ташхислаш муҳим ўринни эгаллайди ва қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими ҳар бир бўғинининг имкониятларини аниқлашди;

- ҳар бир бўғин фаолиятидаги ижобий ва салбий жиҳатларни ўрганади;

- ўқитувчилар касбий фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган методикаларни ишлаб чиқишга ёрдам беради;

- ҳар бир бўғиннинг таъсир доирасини аниқлаб, улар ўртасида иккиёқлама алоқа шаклини белгилайди;

- ўқитувчи фаолиятининг таъсирчан мезонлари аниқланади ва ишлаб чиқилади;

- ўқувчилар таълим-тарбиясини такомиллаштиришда ўқитувчи шахсий масъулиятини оширади;

- ўқитувчи касб малакасини даражаси учун зарур билим, кўникма ва малакани қайд қилиб боради;

- педаголарнинг психофизиологик хусусиятлари билан уларнинг мотивацияси ва малакаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди;

- малака ошириш тизими учун таълимнинг оптимал мазмуни ва мақсади, шакл, метод вавоситаларини аниқлашда ёрдам беради.

Педагог фаолиятни ташхислаш узлуксиз бўлиши, яъни таълим муассасаси, фан метод бирлашмаси, маҳаллий методик хизмат бўғинлари ва МОИлардан иборат тизим билан бирга амалга оширилиши лозим. Бу тизим малака ошириш мазмуни, шакллари ва методлари билан унинг охириги натижаси ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаб, ўқитувчи касбий компетентлигини ривожланишига, таълим-тарбиянинг такомиллашувига олиб келади.

Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг қуйидаги параметрларини тақдим этиш мумкин: биринчи параметр ўқувчиларнинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражаларининг мужассамлашган кўрсаткичлари сифатида уларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлашни назарда тутади. Мазкур параметр доирасида ўқувчиларнинг билимларини баҳолашнинг муҳим мезони сифатида таълим мазмунига мос тарзда улар эгаллаган билимларнинг илмий характерга эгаллиги, аниқлиги, табиийлиги, ҳаққонийлиги, чуқурлиги, мустаҳкамлиги, изчиллиги, умумлашганлик даражасини аниқлаш назарда тутилади. Ўқувчилар билимининг сифати ҳақида уларнинг илмий маълумотларни хотираларида қайта тиклаш даражаларига қараб ҳукм чиқариш мумкин.

Психологик-дидактик мезонлар сирасига ўқувчи фаолиятининг ўқув жараёни билан боғлиқ жиҳатларини баҳолашда ўқитувчилар қуйидагиларга эътибор қаратишлари лозим:

- ўқувчиларда мавжуд бўлган билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиш жараёнининг характери;

- билимларни самарали ва иқтисодий жиҳатдан қулай ўзлаштириш имконини берадиган ўқув ишларини бажариш усуллари билан уларни қуроллантириш;

- ўқувчилар томонидан қўлланилган усулларнинг муҳимлиги ўқитувчилар томонидан англанилиши;

- ўқувчиларнинг шахсий ташаббусларига асосланган ҳолда билимларни ўзлаштириш эҳтиёжларини аниқлаш; худди шу асосда ўзларининг педагогик фаолиятларини назорат қилишлари ва унга тузатишлар киритишлари; ўқувчиларнинг ўқув ҳаракатларини мустақил баҳолашлари ва такомиллаштиришлари кабилар.

Ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолиятларини ташхислашнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд. Улар:

- ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини яхлит тарздаташхислаш;

- ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини оралиқ ташхислаш;

- ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини қисман ташхислаш;

- ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини олдидан дастлабки ташхислаш. Бундай ташхислаш кириш тестлари ёрдамида амалга оширилади;

- ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини якуний ташхислаш.

Ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини якуний ташхислашдан кўзланган мақсад эса: педагогларнинг малакасини узлуксиз оширишга йўналтирилган педагогик жараён сифати ва самарадорлигини баҳолаш, уларни ривожлантириш дастурига мунтазам тузатишлар киритиш, тингловчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнларини ташкил этиш ва бу жараённинг мазмунини аниқлаш асосида ўқув дастурлари, маъруза матнлари ва иш режасини тузишдан иборат [3].

Ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини оралиқ ташхислаш бир қатор шаклларда амалга оширилади:

- айрим мавзуларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор назоратни амалга ошириш;

- ўқитувчиларни тест топшириқлари устида ишлашга одатлантириш;

- тингловчиларни кузатиш дафттарини юритиш;

- тингловчилар орасида турли мавзуларда танловлар ўтказиш;

- кўргазмали воситалар ёрдамида мустақил ишлашни ташкил этиш.

Ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини касбий ташхислашда муайян принципларга амал қилинади:

- тезкорлик ва аниқликка эришиш;

- қўлланиладиган методикаларнинг ахлитлигини таъминлаш;

- ҳосил қилинган касбий билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамлигига эришиш;

- ўқитувчиларнинг касбий инновацион фаолиятларини қатъий мезонлар асосида баҳоланишини таъминлаш;

- чиқарилган ҳукмлар ва хулосаларнинг тадбиқ этилган мезонларга мувофиқлигига риоя қилиш.

Ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолияти даражасини ўрганиш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда қўлланиладиган методларни куйидагича таснифлаш мумкин:

- касбий фаолиятнинг психологик хусусиятларини аниқлашга хизмат қиладиган методлар;

- касбий педагогик фаолиятни ташхислаш методлари (миқдор кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида);

- тадқиқотчилик методлари. Бундай методлардан ўқитувчиларнинг руҳий ҳолатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади;

- ўқитувчилар касбий педагогик фаолиятлари ривожланишини аниқлаш мақсадида шакллантирувчи методлардан фойдаланилади.

Даражали ташхислаш, яъни шкалалаштириш ҳам ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштирилганлик даражаларини аниқлаш ва объектив баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини тадбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон Қарори.

3. Интернационал Буреау оф Эдусатион Компетенсй – басед апроачес <http://www.ibe.unesco.org/en/communities/community-of-practice-cop/competency-based-approaches.html>

4. Зарипов К.З. Ўқитувчи фаолияти ва шахсини педагогик ташхис асосида ўрганиш. // Халқ таълими 2002. 3-сон, 83-87 б.

5. Джураев Р.Х. Непрерывное образование профессиональное развитие педагога. // Узлуксиз таълим. Тошкент.2014. №-1. 3-10б.